**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**Молия-иқтисод факультети**

**“Молиявий назорат” фанидан**

# КУРС ИШИ

**Мавзу:** Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат мулкини самарали бошқариш йўллари


**Бажарди: ММ-59 гурух**

**талабаси Товбаев Б.**

**Илмий раҳбар : Ж.Атаниёзов**


**Тошкент –2013**

## Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат мулкини самарали бошқариш йўллари

1. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари.
2. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.
3. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари.

## Кириш

Мулкка эгалик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан фойдаланиш - бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкдан фойдаланиш юз берганда у даромад олиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. Мулкни тасарруф этиш - бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадия қилиш, ижарага бериш каби ҳоллар орқали рўй беради.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас уч жиҳати (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар характери нафақат алоҳида мулк шаклларида балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мисол учун хусусий мулк шаклини олайлик. ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу мулк шакли бир неча минг йиллардан буён ҳозиргача сақланиб келган. Шу билан бирга бу давр давомида хусусий мулк мазмунида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ўзгаришига хусусий мулкчиликни рўёбга чиқариш усуллари сабаб бўлди. Хусусий мулкчилик меҳнатга мажбур қилиш йўли билан рўёбга чиқарилса, у қулдорлик ёки феодал характер касб этади: рўёбга чиқариш мулкдорнинг ўз меҳнати ёрдамида амалга оширилса, майда товар ишлаб чиқариши учун характерли бўлган меҳнат қилиб топилган хусусий мулк пайдо бўлади; ниҳоят, хусусий мулк ёлланма ишчилар томонидан ҳаракатга келтирилса, капиталистик хусусий мулки пайдо бўлади.

## 1. Мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни. Мулк объектлари ва субъектлари.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий тизимининг асосий муносабатларидан бирини ташкил қилиб, инсоният иқтисодий тараққиётининг маҳсули ҳисобланади.

Мулкчилик муносабатлари моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳамда жамият бойликларини ўзлаштириш жараёнларида вужудга келади.

Шундай экан, мулкчилик муносабатлари - бу мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Мулкка эгалик қилиш мулкдорлик ҳуқуқининг унинг эгаси қўлида сақланиб туришини билдиради ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг ижтимоий шаклини ифодалайди. Айрим ҳолларда мулкка эгалик қилиш унинг эгаси ихтиёрида сақланган ҳолда, ундан амалда фойдаланиш эса бошқалар қўлида бўлади. Бунга ижарага берилган мол-мулкни мисол қилиб келтириш мумкин. Мулкдан фойдаланиш - бу мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланилишидир. Мол-мулкдан фойдаланиш юз берганда у даромад олиш учун ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилишини билдиради. Мулкни тасарруф этиш - бу мол-мулк тақдирининг мустақил ҳал қилинишидир. У мол-мулкни сотиш, мерос қолдириш, ҳадия қилиш, ижарага бериш каби ҳоллар орқали рўй беради.

Мулкчилик муносабатларининг иқтисодий мазмунини унинг ажралмас уч жиҳати (эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш) белгилаб берсада, бу муносабатлар характери нафақат алоҳида мулк шаклларида балки битта мулк шакли доирасида ҳам фарқланиши мумкин.

Мисол учун хусусий мулк шаклини олайлик. ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бу мулк шакли бир неча минг йиллардан буён ҳозиргача сақланиб

келган. Шу билан бирга бу давр давомида хусусий мулк мазмунида тубдан ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ўзгаришига хусусий мулкчиликни рўёбга чиқариш усуллари сабаб бўлди. Хусусий мулкчилик меҳнатга мажбур қилиш йўли билан рўёбга чиқарилса, у қулдорлик ёки феодал характер касб этади: рўёбга чиқариш мулкдорнинг ўз меҳнати ёрдамида амалга оширилса, майда товар ишлаб чиқариши учун характерли бўлган меҳнат қилиб топилган хусусий мулк пайдо бўлади; ниҳоят, хусусий мулк ёлланма ишчилар томонидан ҳаракатга келтирилса, капиталистик хусусий мулки пайдо бўлади.

Мулкчилик жамиятдаги ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий муносабатлар мазмунини ўзида ифодалайди. Мулкчиликнинг ҳуқуқий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади, шу сабабли мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий категория ҳисобланади. Бу бирликда, юқорида кўрсатилганидек, ҳал қилувчи ролни мулкчиликнинг иқтисодий томони эгаллайди. Агар мулк иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилмаса, яъни ишлаб чиқаришда фойдаланилмаса ёки мулк эгасига даромад келтирмаса, бунда у “ҳуқуқий” категория сифатида қолади.

Мулкчилик хўжалик ва тадбиркорлик фаолиятининг турли шакллари орқали иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқарилади.

Бошқа томондан, мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати унинг иқтисодий томонига нисбатан фақат бўйсинувчи рол ўйнамайди. Бу шунда кўринадики, ишлаб чиқариш воситаларига маълум ҳуқуқий эгалик қилмасдан, ҳеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди, ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шу сабабли мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари эгалик қилиш, тасарруф қилиш, фойдаланиш ҳуқуқи иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган кўриниши ҳисобланади.

Ҳуқуқий нормалар, бир томондан, айнан мулкчилик муносабатларини муҳофаза қилиш зарурати билан боғлиқ ҳолда вужудга келса, бошқа томондан у товар ишлаб чиқариш шароитида мулкчилик муносабатларини ривожлантиришда ғоят муҳим рол ўйнайди. Бу рол шунда кўринадики, товар

хўжалиги шароитида айрим ижтимоий қатламлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмасдан, айирбошлаш муносабатларида иштирок этиб (масалан, савдо воситачилари) мулкдорга айланиш имконияти пайдо бўлади.

Шундай қилиб, мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари, биринчидан, ишлаб чиқариш воситалари ва яратилган моддий неъматларнинг муайян шахсларга (ҳуқуқий ёки жисмоний) тегишли эканлигини, иккинчидан, мулк эгаларининг қонун билан қўриқланадиган ваколатларини ва ниҳоят, учинчидан мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Мулкчилик муносабатлари, унинг объектлари ва субъектлари бўлишини шарт қилиб қўяди. Мулкка айланган барча бойлик турлари мулкчилик объектларидир. Мулк объекти бўлиб, инсон яратган моддий ва маънавий бойликлар, табиий бойликлар, ақлий меҳнат маҳсули, инсоннинг меҳнат қилиши қобилияти - ишчи кучи ва бошқалар ҳисобланади. Мулк объектида асосий бўғин - бу ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш воситалари кимники бўлса, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам унга тегишли бўлади.

Реал ҳаётда ишлаб чиқариш воситаларининг умумлашиш даражаси турли хил, яъни ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши турли даражада ва турли шаклларда амалга оширилади. Шунга мос равишда мулк субъектлари вужудга келади. Мулк субъекти жамиятда маълум ижтимоий-иқтисодий мавқеига эга бўлган, мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулкий муносабатлар иштирокчилари бўлиб, улар жамоа, синф, табақа ёки бошқа ижтимоий гуруҳларга бирлашган бўлади. Айрим кишилар, оилалар ва давлат ҳам мулкчилик субъекти бўлиб чиқади.

Мулкнинг тузилиши ва шакли хилма-хиллиги сабабли, бу мулкни ўзлаштирувчи юқорида кўрсатилган субъектлар ҳам турли даражада бўлади. Масалан, давлат мулкининг бевосита субъектлари республика ҳокимияти ва бошқарув органлари, давлат корхоналари ва муассасалари ҳамда уларнинг меҳнат жамоалари аъзолари бўлиши мумкин.

Жамоа мулк субъектлари /тасарруф этувчилар/ сифатида жамоа корхоналари, копеpативлар, хўжалик жамияти ва ширкатлари, акционерлик жамиятлари, хўжалик бирлашмалари /уюшмалари/, жамоат ва диний ташкилотлар бўлиши мумкин.

Аралаш мулк, яъни ҳуқуқий шахслар ва фуқароларнинг мулки ҳам мавжуд бўлиши сабабли, бу мулк субъектлари сифатида қўшма корхоналар, хорижий фуқаролар, хорижий ташкилотлар ва хорижий давлатлар чиқади.

Шундай қилиб, мулк субъектлари кўп даражали бўлиб, шу субъектлардан биронтаси ўзини мулк эгаси сифатида юзага чиқара олмаса, унда мулкчилик муносабатлари расмий ва юзаки тус олади.

Давлат мулк қумитаси махсус ҳисобрақамининг даромадларини ташкил топиши ва ишлатилиши Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 октябрдаги 481-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни ишлатилишини такомиллаштиришнинг чора тадбирлари тўғрисида» ғи ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 августдаги 362-сон «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларни ишлатилишини назорат қилишнинг тартибини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорига асосан амалга оширилади ва бу тартибга риоя қилинади.

Бу тартибнинг 2- бандида кўрсатилишича, Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Узбекистон Республикаси жамланган бюджетининг ажралмас қисми ҳисобланади ва қуйидагилар ҳисобига ташкил топади:

- акционерлик жамиятига айлантирилган давлат корхоналарини акцияларини сотишдан тушган даромад;
- давлат мулки объектларини аукционда, конкурсда, савдо биржаси

ва савдо биржасидан ташқарида сотилганда;

- давлат мулкини арендага беришдан тушган аренда тўловлари;
- қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, айрим фуқароларнинг меросини ва ер участкаларини аукционда сотишдан, ер участкаларини хусусийлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулки Қўмитасининг олдин заёмчиларга берилган кредит ва заёмлар ҳисобига кредитларни, заёмларни ва уларга ҳисобланган процентларни қайтариб олишдан тушган даромадлар;
- Давлат Мулки Қўмитасининг депозит ҳисоб рақамидаги бўш маблағларини тижорат банкларида жойлаштиришдан тушган маблағлар;
- Давлат Мулки Қумитасининг депозит ҳисоб рақамига тушган бошқа даромадлар.

## 2. Мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни.

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўлишини талаб қилади, чунки товар муайян мулк объекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясида ҳам: “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади” - деб таъкидланади.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу мулк ўз ичига давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка

тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади.

Шу сабабли “Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги” қонунида турли-туман мулклар қуйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Мулкчилик турли шаклларининг мавжуд бўлиши ва уларнинг иқтисодий мезони, аввало, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг умумлашуви даражаси билан боғлиқ. Шу билан бирга мулкчилик шакллари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолати, ижтимоий меҳнат тақсимоти ва ташкилий-иқтисодий муносабатларининг етуклик даражаси билан мос келиши зарур.

Давлат мулки - Мулк давлатга тегишли бўлганда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

Хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат қўлига олиш;

Давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар қуриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларда инвестицияларни амалга ошириш йўли билан.

Давлат мулки ҳақиқатда ҳам халққа қарашли бўлган, бўлинмайдиган ёки умумий ресурслардан фойдаланиш учун жуда мосдир. Бунга мисол қилиб такрор ишлаб чиқариб бўлмайдиган табиий ресурсларни, йирик иншоотлар ва транспорт воситалари, йўллар каби иқтисодий тузилманинг каттагина қисмини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда Фуқаролик Кодексига мувофиқ давлат мулки Республика мулкидан ва маъмурий-худудий (муниципал) тузилмалар мулкидан иборат бўлади. Ер, ер ости бойликлари, сув, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, республика хокимияти ва бошқаруви тузилмалари мол-мулки, давлатга қарашли маданий ва тарихий бойликлар, бюджет маблағлари, олтин захираси, валюта фонди ва бошқа давлат фондлари республика мулки ҳисобланади.

Маъмурий-худудий (муниципал) тузилмалар мулкида давлат хокимияти маҳаллий органлари мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги корхоналари ва бошқа мулкий мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари кабилар мол-мулки бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда иқтисодиётни эркинлаштириш вазифаси давлат мулки монополиясини қисқартиришни тақозо қилади. Чунки соғлом бозор иқтисодиёти давлат монополияси билан чиқишмайди, монополия рақобатга тўсқинлик қилади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш оқибатида иқтисодиётда давлат мулкининг улуши камайиб у асосан жамоа мулкига, айрим ҳолларда фуқаро мулкига ва хусусий мулкка айланади.

Давлат корхоналарининг асосий фондлар, ишловчилар сони, ялпи миллий маҳсулот ва миллий даромад яратишдаги ҳиссаси қисқариб, айни вақтда бошқа мулкка мансуб корхоналар ҳиссаси ортиб боради.

Жамоа мулки - муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Жамоа мулки давлат мулкини корхона жамоаси сотиб олиши, бадал тўлаб корхона қуриши, акция чиқариб, уларни сотиш каби йўллар орқали пайдо бўлди. Жамоа мулкининг муҳим ҳусусияти шундаки, ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулига айрим шахслар эмас, балки маълум гуруҳ, кишилар эгалик қилади.

Жамоа мулкига - кооперативларнинг, ижара ва жамоа корхоналарининг, акционерлар жамиятлари, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, жамоа ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг мулки киради.

Кооперативлар мулкининг асосий белгиси ишлаб чиқариш воситалари ва унинг натижаларини ўзлаштиришнинг жамоа-гуруҳ хусусиятидир. Мулкчиликнинг бу турида ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш воситалари билан қўшилиши муайян меҳнат жамоаси доирасида рўй беради.

Ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш мулк эгаси бўлмиш меҳнат жамоаси доирасида амалга оширилади, ҳамда жамоа ва шахсий иқтисодий манфаатларнинг муштараклиги вужудга келади.

Кооперативлар қишлоқ хўжалигида, саноат, қурилиш, транспортда, савдо ва умумий овқатланиш, пулли хизматлар соҳасида ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маданий ҳаётнинг бошқа тармоқларида, илмий ва илмий-техникавий хизмат кўрсатиш соҳаларида барпо этилиши ва фаолият кўрсатиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўз аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланади. Ишлаб чиқариш ва хизматларнинг бошқа соҳаларидаги кооперативларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар ичида қишлоқ хўжалиги кооперативлари алоҳида ажралиб туради.

¡ишлоқ хўжалик  ишлаб чиқариш кооперативларининг асосий шакли жамоа ва ширкат хўжаликларидир.

Масалан, жамоа хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари доирасида коллектив ва оилавий пудрат ҳамда ер участкалари ва асосий фондларни ижарага олиш шароитида даромадлари пировард натижага боғлиқ равишда шаклланадиган хўжалик ҳисобидаги кооператив жамоалар тузилмоқда.

Мулкчиликнинг давлат шакли билан бир қаторда соҳани ривожлантиришнинг бир қатор масалаларини ечишда /уй-жой, ижтимоий инфраструктуранинг бошқа объектлари-санаториялар, дам олиш уйлари, болалар боғчалари ва шу кабиларни қуриш/ кооперативлар роли ошиб бормоқда.

Меҳнаткашларнинг шахсий мулки асосида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари, уй қурилиш кооперативлари, боғ-томорқа ширкатлари ва шу каби кооперативлар ривожланмоқда.

Шаҳарларда аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган талабини яхшироқ қондириш мақсадида давлат корхоналари ва ташкилотлари унинг тасарруфидан чиқарилиб турли хил матлубот кооперациялари вужудга

келмоқда. Матлубот кооперациясининг мулки мулкчиликнинг давлат ва бошқа шаклларидан келиб чиқади. Мулкчиликнинг бу шакли фаолиятида унинг аъзолари ўз меҳнати билан иштирок этиши шарт эмас. Матлубот кооперациялари мустақил ёки турли корхона, ташкилот ва муассасалар қошида ташкил қилиниши мумкин. Матлубот кооперацияси тизими хизмат кўрсатиш, шахсий томорқа хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ва халқ ҳунармандчилик буюмларини шартнома асосида сотишни таъминлашда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Шахсий мулк - Мулк шакллари ичида муҳим ўрин тутади. Шахсий мулк бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади. Бу мулк шакли асосан шахснинг ёки унинг оила аъзоларининг меҳнати асосида кўпаяди ва ривож топади.

Фуқаронинг шахсий мулки асосан уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирокидан, ўз хўжалигини юритишдан тушган меҳнат даромадлари ҳисобига вужудга келади ва кўпаяди. Бозор иқтисодиёти шароитида шахсий мулк акциядан келадиган дивиденд, банк фоизлари, хусусий соҳибкорлик даромади каби янги манбааларга асосланади.

Шахсий мулк объектлари - бу турар жойлар, боғ-ҳовли ва уйлар, транспорт воситалари, пул жамғармалари, уй-рўзғор ва шахсий истеъмол буюмлари, якка тартибда ва бошқа хўжалик фаолияти учун керакли ишлаб чиқариш воситалари, уларда ҳосил қилинган маҳсулот ва бошқалар бўлиши мумкин. “ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонунда кўрсатилганидек, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасидаги, халқ хўжалик фаолиятининг бошқа тармоқларидаги майдароқ корхоналар фуқаро ва уларнинг оила аъзоларининг мулки бўлиши мумкин. Шахсий мулк объектлари эҳтиёжларини қондириш доирасидан чиқиб, даромад топиш йўлида ишлатилиши мумкин.

Хусусий мулк - айрим соҳибкорларга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир.

Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисидаги қонунида (7-модда), хусусий мулк ўз мол-мулкига хусусий эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборатдир деб кўрсатилган. Шу билан бирга хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмаслиги таъкидланади.

Хусусий мулк ҳам, бошқа ҳар қандай мулк шакллари каби, ўзининг ижобий ва салбий томонларига эга. У, сўзсиз, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, меҳнатга маъсулиятлилик муносабатларини рағбатлантиради. Шу билан бирга, товар ишлаб чиқариш шароитида у хуфёна даромад орттиришга интилиш ҳиссини туғдиради. Мулкчиликнинг бу шаклини тан олиш халқ хўжалигида уни қўллаш фойдали бўлган бўғинларни аниқлаш, уни тартибга солишнинг молиявий ва ҳуқуқий механизмларини шакллантиришни тақозо қилади. Лекин хусусий мулкчиликни бундай тан олиш уни мутлақлаштириш, билан умуман боғлиқ эмас. Бу мулк сотиб олинган ишлаб чиқариш воситалари асосида мустақил хўжалик юритиш ёки давлат корхоналари, кооператив фирмалар, магазин, ошхона ва шу кабиларни сотиб олиш орқали вужудга келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида хусусий мулкни шакллантириш манбалари ҳам кўрсатилади. Тадбиркорлик билан шуғулланиш, ёлланиб ишлаш, кредит муассасаларига қўйилган маблағлар, қимматли қоғозлардан олинадиган даромадлар, мерос тартибда мол-мулкни қўлга киритиш кабилар ана шундай манбалар бўлиши мумкин-ми? Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигидан бошқа айрим фаолиятларда ер ҳам хусусий мулк объекти бўлиши мумкин. Шу сабабли Республика қонун ҳужжатларига (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги Фармонининг 3-банди) мувофиқ савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкалари билан бирга танлов асосида сотилишига рухсат берилади. Мазкур ер участкаларига хусусий мулк ҳуқуқининг ҳамма меъёрлари тааллуқли бўлиб, улар сотилиши, васият қилиб қолдирилиши ижарага берилиши мумкин. Бироқ ернинг бошқа тоифалари,

жумладан, умумий фойдаланишдаги ерлар, қишлоқ хўжалик экинзорлари ва давлат заҳирасига киритилган ерлар давлатнинг алоҳида мулк объектларидир ва шу сабабли улар фуқароларга фақат мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод эгаликка берилиши мумкин.

Турли шаклдаги мулкларнинг бирикиб кетиши натижасида аралаш мулк пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида мулкчиликнинг турли хил шаклларини вужудга келтириш асосий мақсад эмас. Бу фақат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, ташаббускорлик ва соғлом рақобатни вужудга келтириш учун қулай муҳит яратишга қаратилгандир.

Давлат мулк Қўмитасининг махсус ҳисобрақами маблағлари ҳисобига молиялаштирувчи тадбирлар:

«Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш, тушумларни ҳисобга олиш ва уларни ишлатилишини назорат қилиш тартибнинг 3-бандига асосан давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан чет эл валютасида тушган маблағлар Узбекистан Республикаси Давлат Мулк Қўмитаси томонидан ҳар ойда қуйидаги пропорцияда алоҳида тартибда тақсимланади:

- 40% - бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи - сифатида давлат

бюджетига кўрсатилган маблағларни мақсадли ишлатилиш мақсадида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун;

15 % - бизнес фондига яъни тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун;

• 15 % - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахри хокимиятларига ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларни молиялаштириш, бозор инфаструктураси институтларини ташктл қилиш учун;

• 3%- Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, инвестиция ва бозор структураларини ташкил қилиш ва ривожлантириш харажатлари учун;

• 2%-Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг ҳисоб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга ошириш учун;

• 25% - хусусий корхонанинг ўзида қолади, бу максадли маблағлар ишлаб чиқаришнинг янгидан моденизациялаш, янги техника билан қуроллантириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун ишлатилади.

**3. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мақсади, йўллари ва усуллари.**

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли республикамиз Президенти И.А. Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни “Бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади”[1] деб алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Узоқ йиллар мобайнида республикамиз

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т-3. -Т: Ўзбекистон, 1996. 202 бет.

иқтисодиётида умумхалқ мулки деб аталган, аслида эса давлатлаштирилган мулк тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Назария ва амалиётда умумхалқ мулки деб ҳисобланган мулк субъекти сифатида давлатнинг чиқиши жамият аъзолари ўртасида бу мулкга “ҳеч кимники”, “давлатники”, “бировнинг мулки” деб қарашларининг шаклланишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришга қараганда анча кенг тушунча. Хусусийлаштиришни давлат мулкига эгалик ҳуқуқини давлатдан хусусий шахсларга ўтишидир. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш хусусийлаштиришдан ташқари, бу мулк ҳисобидан бошқа нодавлат мулк шаклларининг вужудга келтиришни ҳам кўзда тутади. У бир қатор йўллар билан амалга оширилади: давлат корхоналарини ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, давлат корхонасини сотиб, уни жамоа мулкига айлантириш; мулкни қийматга қараб чиқарилган чеклар (ваучер) бўйича фуқароларга бепул бериш; мулкни айрим тадбиркор ва иш бошқарувчиларга сотиш; айрим давлат корхоналарини чет эл фирма ва фуқароларига сотиш ёки қарз ҳисобига бериш; давлат мол-мулкини аукционларда ким ошди савдоси орқали сотиш ва ҳ.к.

Бу йўллардан қайси бирини танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Масалан, Россияда Давлат мулкини ваучер орқали бепул тақсимлаш усули қўлланилди. Бундан оммавий хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад қисқа муддат ичида чеклар бозорини жорий этиш ҳисобига мулкдорларнинг ғоят кенг қатламини вужудга келтиришдан иборат эди. Агар тадбиркорликни рағбатлантириш кўзда тутилса, хусусийлаштириш танлаб олинган озчилик ўртасида ўтказилади. Агар хусусийлаштириш четдан капиталнинг кириб келишига, йўл очиши зарур бўлса, давлат мулкини хорижий тадбиркорларга бериш шаклида амалга оширилади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда айрим усулларга устуворлик бериш бошқа усулларни қўллашни рад этмайди,

аксинча, уларни ҳам қўллаш зарурлигини билдиради. Масалан, корхона жамоасига устунлик берилиб, давлат мулкини акциялаштириш, бу акцияларни сотиб олишда шу жамоадан ташқари кишилар ва чет эл капиталининг иштирок этиши ҳам бўлиши мумкин. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш шароитга қараб пулли, пулсиз ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. ўз шакли ва усулидан қатъий назар бу тадбир хилма-хил мулкчиликни вужудга келтиришни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкининг барча шакллари ва турлари ривожланади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мулкчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган давлатнинг монопол ҳукмронлигига чек қўйиб, жамиятда фаоллик кўрсатаётган эркин тадбиркорлик ташаббуссига кенг йўл ва имкониятлар очиб беришдан иборат. Аслида хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатлаштиришдан қайтиш йўлларидандир. Хусусийлаштириш давлат мулкини маълум даражада ҳақиқий эгалари -фуқароларга бериш демакдир. Кўпинча хусусийлаштириш - бу давлат мулкини ишловчиларга бериш, деб талқин қилинади. Аслида мамлакатнинг барча аҳолисига давлат мулкини бўлиб бериб бўлмайди, бунда аҳолининг ҳаммаси мулкка эга бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, уни бошқариш ишлаб чиқариш ҳамда маҳсулотни айирбошлаш каби машаққатли ишларни ўз зиммасига олавермайди.

Давлат мулкини унинг тасарруфидан чиқариш жараёнида, аввалом бор, хусусийлаштириш йўли билан яхши иқтисодий натижаларга эришган мамлакатлар тажрибасидан тўлароқ фойдаланиш ва улар йўл қўйган хатолар такрорланмаслиги керакки, бу билан бозор иқтисодиётининг ривожланишини таъминлаши мумкин. Хусусийлаштиришни амалга ошириш учун давлат мулкини хусусийлаштиришнинг кенг кўлами дастурини ишлаб чиқариш зарур.

Ҳуқуқий жиҳатдан хусусийлаштирилган барча корхоналарга эркин иқтисодий хўжалик юритиш ҳуқуқи берилиши ва давлат сектори билан тенг имкониятларга эга бўлиши керак. Давлат секторига нисбатан бу

корхоналарга солиқларни бирмунча камайтириш ва айримларини маълум муддатга солиқдан озод қилиш зарур.

Хусусийлаштириш натижасида аҳоли орасида ижтимоий жиҳатдан табақаланиш юз беради ва кишиларнинг бажарган ишига қараб оладиган ҳақи турлича бўлиб, аҳолининг даромадларида ҳам табақаланиш юз беради. Кишилар турли соҳаларда, масалан бизнесда турли шакллардаги мулкка эга бўлиб, акция сотиб олиш ва корхона мулкида ўз ҳиссаларини ошириб боришга ҳаракат қиладилар.

Хусусийлаштириш орқали корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилиб, маълум жамоа ва шахсларга сотилгандан кейин фаолиятларини бозорнинг шафқатсиз рақобат қонунлари асосида ташкил этади. Бозор корхоналарининг яшовчанлигини ва уларни доимо рақобат курашида ўз манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур этади. Мабодо корхона рақобат курашига дош беролмай синса, олдинги даврдагидек давлат бюджетидан маблағ ҳисобига уни сақлаб қолиш ҳолларига хусусийлаштириш орқали барҳам берилади.

Хусусийлаштириш мулкнинг бир шаклидан иккинчи шаклига ўтишни акс эттирмаслиги керак, балки хусусийлаштириш олдига қўйилган вазифа катта бўлиб, яъни хусусийлаштириш орқали аввало барча соҳани ўз қарамоғида турли услублар орқали бирлаштириб турган давлат ҳукмронлигини иқтисоддан ажратиш учун бир қанча тадбирларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Давлат корхоналарини хусусийлаштириш бу мулкчиликнинг ривожланишига, унинг янги босқичига ўтишига бўлган талабидан келиб чиқадиган бир жараёндир. Хусусийлаштиришнинг ривожланишини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири - бу ишлаб чиқарувчилар ҳамда тадбиркорларнинг ташаббуси, уларнинг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ҳамда ишбилармонлигидир. Давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида ҳокимият ва ишлаб чиқариш соҳаларига янги ишбилармонлар, аҳолининг фаол қисми жалб этилади ва мулкий муносабатларни ривожлантиришдан ҳамда мулк шаклларини такомиллаштиришдан аҳолининг шу қисми

манфаатдоргина бўлиб қолмай, балки ўрта ва қуйи ижтимоий қатламни ҳам мулкий муносабатларни такомиллаштиришдан манфаатдор қилади.

Давлат мулкини хусусийлаштириш сиёсати мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини, маҳаллий ва миллий шароитларни, урф-одатларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилишини кўзда тутади.

Давлатлаштиришдан қайтишнинг муҳим йўналишлари бу ижара муносабатларини ривожлантириш ва акционерлик мулкини шакллантириш ҳисобланади. Бу жараён маълум тадбирларга риоя қилинган ҳолда олиб борилиши лозим, бу аввало, ихтиёрийлик асосида, ошкоралик ҳамда жамоатчиликнинг умум иштирокида амалга оширилиб, у меҳнат жамоаларининг иқтисодий манфаатига, давлат манфаатларига путур етказмаслиги, шу билан бирга истеъмолчилар манфаатларига ҳам зид бўлмаслиги зарур. Бу ҳолда маҳсулот ҳажми, сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни яхши ташкил этиш, мавжуд моддий техника, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, фан ва техника ютуқлари, янги технологиядан самарали фойдаланиш, товар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бозорда нархларнинг пасайишига эришиш йўли билан аҳолининг моддий фаровонлигининг ошишига эришиш талаб этилади.

Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конститутцион тарзда эътироф этилди ва давлат мулки монополизмини тугатиш ҳамда бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш вазифаси қўйилди. Аввало мулкчиликнинг турли хил шакллари қарор топиши учун тенг ҳуқуқий нормалар ва амал қилиш механизмлари яратилди[1].

---

[1] Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари (1994 й. 21 январь) ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги (1994 йил 16 март) фармонлар.

Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга ёндошувнинг муҳим хусусияти - уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборат. 1992-1993 йиллар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичини ўз ичига олиб, бу босқичда хусусийлаштириш жараёни умумий уй-жой фондини, савдо, маҳаллий саноат, хизмат кўрсатиш корхоналарини ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тизимини қамраб олди. Енгил, маҳаллий саноатга, транспорт ва қурилишга, бошқа тармоқларга қарашли айрим ўрта ва йирик корхоналар кейинчалик сотиб олиниш ҳуқуқи билан кўпроқ ижра корхоналарига, жамоа корхоналарига, ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларига айлантирилди. Акцияларнинг назорат пакети давлат ихтиёрида сақлаб қолинди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида давлат халқ хўжалигининг иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлган, бироқ бутун мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида муҳим роль ўйнайдиган айрим секторларини, айрим корхоналарни сақлаб туришни ва маблағ билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичи натижасида кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими вужудга келтирилди.

Савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий саноат корхоналари хусусий ва жамоа мулки қилиб берилди. Натижада 1997 йилда савдо-сотиқ ҳажми ва умумий овқатланиш ялпи маҳсулотининг 95 фоиздан ортиқроғи давлатга қарашли бўлмаган секторга тўғри келди. Уй жойларни хусусийлаштириш жараёнида илгари давлат ихтиёрида бўлган бир миллиондан ортиқ квартира ёки давлат уй-жой фондининг 95 фоиздан ортиқроғи фуқароларнинг хусусий мулки бўлиб қолди.

Давлат ижтимоий дастурида белгилаб берилган иккинчи босқич 1994-1995 йилларга тўғри келди. Бу босқичда кўплаб ўрта ва йирик корхоналар

ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди ҳамда уларнинг акциялари республика қимматбаҳо қоғозлар бозорининг асосини ташкил этди. Давлат мулки ҳиссадорликка айлантирилиши билан бир қаторда кичик хусусий бизнес корхоналари қизғин ташкил қилинди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ва хусусийлаштиришнинг бу босқичда очиқ турдаги акционерлик жамиятларини вужудга келтириш, давлат мулкини танлов асосида ҳамда ким ошди савдосида сотиш амалиётга жорий қилинди. Кўчмас мулк ва қимматли қоғозлар бозорининг янги муассасалари барпо этилди.

Давлат мулкини хусусийлаштириш бошланган даврдан 1994 йил охиригача 54 мингга яқин корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди. Шулардан 18.4 мингтаси хусусий, 26.1 мингтаси акциядорлик, 8.7 мингтаси жамоа мулкига ўтди, 661 таси ижара корхоналарига айланди[1].

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келадиган самара икки ёқлама характерга эга. Бир томондан, у аҳолининг бўш турган маблағларини ўзига жалб қилиб, уларнинг бозорга тазийқини пасайтиради. Иккинчи томондан, янги маблағларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатни юзага келтириш учун шароит яратади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки хусусийлаштириш иқтисодиётнинг давлатга қарашли бўлмаган секторини шакллантиришнинг ягона йўли эмас. Ташаббускорлик асосида якка тартибдаги хусусий мулкчиликка асосланган, шунингдек, турли хил кооперативлар, ширкатлар, маъсулияти чекланган жамиятлар кўринишидаги кичик ва ўрта корхоналарни ташкил қилиш - иккинчи қудратли жараён ҳисобланади.

Республика иқтисодиёти 1996 йилдан бошлаб мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг учинчи босқичига кирди. Бу босқич якунловчи характерга эга бўлиб, бу даврда

---

[1] Қаранг: И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодийислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т. "Ўзбекистон", 1995, 56-бет.

хусусийлаштирилмайдиган объектлар рўйхатига кирмаган барча объект ва корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди.

Республикада хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилганлиги унинг навбатдаги хусусиятидир. Бу аҳолининг барча қатламларига мазкур жараёнда аниқроқ ва натижалироқ қатнашиши имконини беради. Хусусийлаштиришнинг адресли йўналтирилганлиги уй-жойларнинг ўз эгаларига имтиёзли ёки бепул берилишида, аҳолининг кўпроқ муҳтож ва заиф қатламларини қўллаб-кувватлашнинг турли хил дастурлари бюджет маблағлари ҳисобига қопланишида, қишлоқ аҳолиси ўз ёрдамчи хўжалиги учун чек ерлар олиши кабиларда ифодаланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг тўловлилиги унинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Пулни тўлаш орқали давлат тасарруфидаги корхона ва объектларни хусусийлаштиришда мулкни бепул тақсимлаш билан боғлиқ салбий ҳолатлар бартараф этилиши билан бирга қатор муаммоларни ҳал қилиш имконияти яратилади. Булардан асосийси аввало тадбиркорликни, хусусийлаштирилган корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг молиявий манбалари пайдо бўлади, бозор инфраструктурасини барпо этиш учун ресурслар вужудга келади ва аҳолини ижтимоий муҳофазалаш дастурини рўёбга чиқариш учун маблағлар жамланади.

Давлат мол-мулкини янги мулкдорларга сотиш йўли орқали уларнинг мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилиши билан бирга хусусийлаштиришдан олинадиган маблағлар шу корхонанинг ўзини қўллаб-қувватлашга, янги рақобатлашувчи корхоналар барпо этишга ҳам сарфланади.

Навбатдаги муҳим хусусият - республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳоли учун кучли ижтимоий кафолатлар яратилди ва таъминланди[1]. Ижтимоий кафолатлар бир бутун имтиёзлар тизими орқали яратилди. Булар хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат

[1] Қаранг: И.А.Каримов Ўзбекистон, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.: Ўзбекистон, 1995. 51 бет.

жамоасига акцияларни имтиёзли шартлар билан сотиш, янги мулкдорга эскирган асосий фондлар ҳамда ижтимоий инфраструктура объектларини бепул топшириш, давлат корхоналарининг мол-мулки, фермалар, боғлар ва шу кабиларни имтиёзли шартлар асосида хусусийлаштириш, ҳамда солиқ тўлашда айрим имтиёзлар бериш кабилардир.

Ижтимоий кафолатлар истеъмол саватининг энг кам миқдорини кузатиб бориш, энг кам иш ҳақини, даромад солиғини тартибга солиш кабиларни ҳам ўз ичига олади.

Ижтимоий муҳофазалаш давлатнинг барча мулкдорлар: ҳиссадорлар, хусусийлаштирилган уй-жойларнинг, сотиб олинган техника ва автотранспорт воситаларининг, ер майдонлари, хусусийлаштирилган фермалар ва бошқа воситаларнинг эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ўз ифодасини топади.

Республикада давлат мулкини хусусийлаштиришнинг ўзига хос бошқа жиҳатлари Президентимиз И.А. Каримов томонидан баён қилинган иқтисодий ислоҳотларни амалга оиширишнинг асосий қоидаларидан келиб чиқади. Булар қуйидагилар:

а) давлат мулкини хусусийлаштириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ички мантиқига бўйсиндирилади ва уларнинг асосини ташкил қилади;

б) мулкни хусусийлаштириш жараёни давлат томонидан бошқарилади;

в) хусусийлаштиришни ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминлашда қонун-ларга риоя этилади.

Республикамизда хусусийлаштириш жараёнининг ҳозирги босқичдаги йўналишлари ислоҳатларни чуқурлаштириш талабларидан келиб чиқиб белгиланади. Бу аввало, кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилиши зарур. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: «кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли

бандлиги ва даромадлари манбаининг, миллий фаровонликка эришишининг муҳим омили ҳам бўлиши даркори[1].

Ҳозирги даврда хусусийлаштиришдаги анъанавий йўналиш давлат рўйхатига кирмаган корхона ва объектларни бу жараёнга жалб қилиш ҳам ўз ўрнига эга бўлиб қолаберади. 2000 йилда Республикамизда хусусийлаштирилган корхона ва объектлар сони 374 бирликни ташкил қилиб, улардан 14,3 млрд. сўмлик маблағ олинган. Ёпиқ турдаги акционерлик жамиятларини кенг аҳоли қатлами, шу жумладан чет эл капитали иштирокини таъминлайдиган очиқ турдаги жамиятларга айлантириш хусусийлаштиришдаги навбатдаги йўналишдир.

Республикамизда хусусийлаштириш бўйича қўйилган вазифа, давлат сектори бозор шароитида ҳам сезиларли рол ўйнаши инкор қилмайди. Чунки иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган соҳалар ҳам мавжуд. Бундай корхоналар учун уларнинг бозор шароитларига таркибан мослашувига имкон берадиган хўжалик юритиш механизмини ишлаб чиқиш талаб қилинади.

---

[1] Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. «Халқ сўзи», 2001 йил 18 июнь № 140.

## Хулоса

Бугунги кунда давлат мулкини давлат тасарруфидан - чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағларнииг тақсимланиши қуйидагича ҳисобланади.

- 65 фоиз- бюджет тақчиллигини қоплашнинг манбаи сифатида- давлат бюджетидан инвестицией лойиҳаларни молиялаштирилади;

- 25 фоиз- Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимиятларига ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш лойиҳаларни молиялаштириш ва бозор инфаструктураси институтларини ташкил қилиш учун берилади;

- 5 фоиз - Узбекистан Республикаси савдо-саноат палатасига тадбиркорликни, ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-кувватлаш учун берилади;

- 1 фоиз - хусусийлаштириш ва ахборот таъминоти давлат дастурларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотишда тендер савдоси ўтказишдаги Узбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг харажатлари учун ажратилади;

- 2 фоиз —Узбекистон Республикаси монополияга қарши кураш, тадбиркорликни ва рақобатни қўллаб-кувватлаш Давлат Қўмитасида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, корхоналарни таркибини қайта ўзгартириш фондини шакллантириш учун ажратилади;

- 2 фоиз - Узбекистон Республикаси Давлат Мулк Қўмитасининг ҳисоб рақамига бошқариш ва тақсимлаш функцияларини амалга ошириш учун ажратилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.Т., Ўзбекистон 2008..
2. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 15-бет.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни. Кадрлар масалалари бўйича маълумотнома. 2007. 6-сон. 19-бет.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори.
5. “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-1245 сонли Президент Қарори. 22 декабр 2009 йил.
6. “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги ПҚ-1449 сонли Президент Қарори. 24 декабр 2010 йил.
7. Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: Ўзбекистон. 1995. -119б.
8. Ваҳобов А., Бурхонов У., Жумаев Н. Чет мамлакатлар молияси. Дарслик. Янги аср авлоди. 2003. -344б.
9. Ваҳобов А. Бюджетдан ташқари ижтимоий фондлар. // Ўзбекистон Иқтисодий ахборотномаси. 2001. №10/11. 16-20б.
10. Қосимова. Г.А. Ижтимоий-маданий соҳаларни ривожлантиришда бюджет сиёсати. Монография. Молия. Т., 2004. -152 б.
11. Қосимова Г.А. Бюджетдан ташқари фондлар. Ўқув қўлланма. –Т.: IQTISOD-MOLIYA. 2007. -148 б.

12.Аудрюс Битинас. Причины реформ пенсионной системы современной Литвы. // Социальний вестник. Москва. 2007. №5. -13стр.

13.Бабич А.М., Павлова Л.Н. Государственные и муниципальные финансы. Учебник. – Москва: ЮНИТИ. 2001. -687стр.

14.http://www.tfi.uz

15.http://www.norma.uz

16.http://www.mf.uz

Тошкент молия институти Лойихаларни молиялаштириш факультети 4 курс ИЛМ-65 гуруҳи талабаси Абдурахманов Равшан Фархадовичнинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат мулкини самарали бошқариш йўллари” мавзусида ёзган курс ишига

ТАҚРИЗ

Талаба  Абдурахманов Р..нинг курс иши Ўзбекистон Республикасида давлат мулкини самарали бошқариш йўлларига бағишланган бўлиб, у кириш, учта  савол, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби қисмлардан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг бугунги кундаги аҳамияти ва мақсади ёритиб берилган.

Курс ишининг асосий қисмида мулкчилик муносабатларининг моҳияти ва иқтисодий мазмуни, мулк объектлари ва субъектлари, мулкчиликнинг турли шакллари ва уларнинг иқтисодий мазмуни, Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, мақсади ва усуллари ёритиб берилган.

Курс ишини ёзишда талаба Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Молия вазирлиги меъёрий ҳужжатларидан, шунингдек мавзуга оид чизмалар, статистик маълумотлар, жадваллардан фойдаланилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, талаба Абдурахманов Равшан Фархадовичнинг “Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат мулкини самарали бошқариш йўллари” мавзусида ёзилган курс иши ҳимоя қилиш учун тавсия этилади.

**Илмий раҳбар** **Ж.Атаниёзов**